

Тураг-жой ижара шартномасининг ўзига хос хусусиятлари



Тураг-жойга эга бўлиш ҳар бир фуқаронинг муҳим ҳуқуқларидан бири бўлиб ҳисобланади. Чунки, бундай ҳуқуқ орқали фуқаролар ижтимоий ва мулкий муносабатларини амалга оширишда алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу ҳуқуқни амалга ошириш билан фуқаролар ўзига тегишли уй-жойга ўз хоҳишича ва ўз манфаатларини кўзлаб эгалик қилиш имкониятига эга бўлади.

Бугунги кунда юртимиизда аҳоли сонининг кун-сайнин ўсиб бориши тураг-жойга бўлган эҳтиёжнинг ҳам ортишига сабаб бўлаётир. Мамлакатимиздаги ҳар бир ёш оила ўзига яратилган имкониятлардан тўлиқ фойдаланишини ҳоҳлайди.

Бироқ, айрим фуқароларнинг ҳуқуқий билим савияси етарли бўлмаганлиги боис, улар ушбу имкониятлардан фойдалана олмаяптилар ҳамда уй-жойга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида давлат ёки фуқароларга тегишли бўлган бўлган тураг-жойларни ижарага олишга мажбур бўлишмоқда.

Бу эса, ўз-ўзидан маълумки, тураг-жойни ижарага бериш ва ижарага олиш билан боғлиқ бўлган шартномавий-ҳуқуқий муносабатларни юзага келтиради.

Кундалик ҳаётимиизда тураг-жойни ижарага бериш ва ижарага олиш шартномалари деярли оғзаки равишда амалга оширилади. Бундай шартномаларнинг ҳисоби ҳеч қаерда юритилмайди. Табиийки, улардан давлат божи ва даромад солиғи ҳам тўланмайди.

Натижада мазкур тоифадаги муносабатлардан тарафлар ўртасида низо келиб чиқмоқда ва иш судгача етиб бормоқда. Суд амалиётида эса бундай тоифадаги низоларни ҳал этиш, тарафларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда улар ўртасидаги низоли муносабатларни қонуний ва адолатли ҳал этишда бир қатор қийинчиликларни келтириб чиқармоқда.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 544-моддасига кўра, ижарага оловчи мол-мулқдан фойдаланганлик учун ҳақни ўз вақтида тўлаб туриши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 600-моддасига кўра, уй-жойни ижарага бериш шартномасига биноан бир тараф – уй-жойнинг мулқдори ёки у

ваколат берган шахс (ижараға берувчи) – бошқа тараф (ижараға олувчи)га уй-жойда яшаш учун уни ҳақ әвазига әгалик қилиш ва фойдаланишга топшириш мажбуриятини олиши, уй-жой юридик шахсларга ижара шартномаси ёки бошқа шартнома асосида әгалик қилиш ва (ёки) фойдаланиш учун топширилиши мүмкінлиги, юридик шахс уй-жойдан факат фуқароларнинг яшashi учун фойдаланиши мүмкінлиги белгиланган.

Ушбу кодекснинг 612-моддасида уй-жойни ижараға бериш шартномаси беш йилдан ортиқ бўлмаган муддатга тузилиши, агар шартномада муддат кўрсатилган бўлмаса, у беш йилга тузилган ҳисобланиши, шунингдек кодекснинг 615-моддасида уй-жойни ижараға бериш шартномаси тарафларнинг келишуви билан бекор қилиниши, уй-жойни ижараға олувчи ўзи билан бирга доимий яшайдиган бошқа фуқароларнинг розилиги билан ижараға берувчини уч ой аввал ёзма равишда огоҳлантириб, исталган вақтда ижара шартномасини бекор қилишга ҳақли эканлиги қайд этилган.

Хулоса қилиб айтганда, турар-жой ижараси шартномаси муносабатлари тарафларининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этишлиги сабабли, мазкур тоифадаги ҳуқуқий муносабатларга киришишда амалдаги қонун талабларига тўлиқ риоя этилиши тарафлар ўртасида юзага келиши мумкин бўлган турли мулкий низоларнинг олдини олган бўлади.

Шерзод Элиев

Сурхондарё вилоят судининг

фуқаролик ишлари бўйича судьяси